

ТУРЛИ ТАРКИБЛИ ТОЛАЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИПЛАРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАХОЛАШ

Р.Х.Нурбоев, Ш.Салимов, М.Р.Худайбердиев, Исмоилова Г.Б.

Бухоро муҳандислик технология институти.

Бухоро, Ўзбекистон. laziz.shakirov.85@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Тўқимачилик маҳсулотлари сифатини баҳолашни ўрганишга қаратилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аралаш толалардан олинган тўқимачилик ипларининг сифатини баҳолаш учун уларнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда асосий сифат кўрсаткичлари номенклатурасини аниқлаб, аралашмадаги ҳар бир компонентнинг фоизли улушининг комплекс сифат кўрсаткичи қийматига таъсирининг боғлиқлигини аниқланади[1,2,3,4,5,6].

Таянч сўзлар: сифат, маҳсулот, кўрсаткич, аралашма, компонент, улуш, комплекс, калава ип, зичлик, чизиқли зичлик.

АННОТАЦИЯ

Анализ работ, направленных на изучение оценки качества текстильных изделий, показал, что для оценки качества текстильных нитей, полученных из смесовых волокон, определена номенклатура основных показателей качества с учетом их значимости, а зависимость определено влияние процентной доли каждого компонента в смеси на значение комплексного показателя качества[1,2,3,4,5,6].

Ключевые слова: качество, продукт, индекс, смесь, компонент, доля, комплекс, нить, плотность, линейная плотность.

Республикамизда турли таркибли толалардан енгил саноатда муҳим аҳамият касб этадиган тўқувчилик ипларини ишлаб чиқариш технологиясининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-

тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, турли толалар аралашмаси асосидаги тўқимачилик ипларини ишлаб чиқаришда энергия ва русурсларни тежаш, олинадиган ипнинг қалинлиги, зичлиги, текислигини ва бурамлар сонини ошириш, иплар узунлигининг қисқариш коэффициентини, эшилишдаги умумий қисқариши ва ҳисобий эшиш коэффициентларини яхшилаш ва олинадиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳамда тўқувчилик ипларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва параметрларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш ишлаб чиқаришнинг энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган ипни қаттиқ назорат қилиш бутун цикл давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида хом ашёдан то тайёр ипгача бўлган маҳсулотлар компания лабораториясида USTER қурилмаларида синовдан ўтказилади. Ип ишлаб чиқариш корхоналарида лаборатория ходимлари ёки юқори малакага эга бўлган мутахассислар томонидан тайёр маҳсулотларни истеъмолчилар талабларига ва меъёрий кўрсаткичларга мувофиқ синовдан ўтказадилар. Маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш лаборатория - бўлимнинг зиммасига юклатилган. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ярим тайёр маҳсулот ҳолида барча норматив кўрсаткичларини доимий назорат қилиш, ишлаб чиқариш учун фақат олий сифатли хом-ашё танланиб, хом-ашёнинг реал сифатига мос равишда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини танлаш уларнинг асосий вазифасига киради. Шу билан бирга ушбу лабораторияда ип ишлаб чиқариш корхонасида тайёр маҳсулот сифатини таҳлил қилиш, маҳсулот сифати ва маҳсулдорликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар, фабрикалар аро текширувлар рейтингини олиб бориш, маҳсулотнинг янги турларини яратиш ушбу лабораторияда амалга оширилади[7,8,9,10,11,12].

Турли таркибли толалар, холст,пилта, пилик ип ва тайёр маҳсулотнинг сифати бир қанча кўрсаткичлар орқали аниқланади шу билан бирга турли омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини лойиҳалаш

ва уни назорат қилиш режалаштириш унинг ҳисобини олиб боришдан кўра мураккаброқдир. Тола ва ип хусусиятларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишда технологик хусусиятларнинг муҳим тавсифи бўлган узилиш кучи сифатнинг прогноз қилинаётган критерияси бўлиб ҳисобланади[10,11,12,13,14,15].

Мутахассислар томонидан бир ва ҳар хил толалар аралашмасидан ип сифатининг муҳим кўрсаткичларининг куйидаги номенклатурасини яратилган:

- чизиқли зичликнинг ўзгариш коэффициенти (0,134);
- битта ипнинг солиштирма узилиш кучи (0,131);
- узилиш кучи учун ўзгариш коэффициенти (0,118);
- 1 м га тўғри келадиган бурамлар сони (0,100);
- узилишдаги чўзилиши (0,095);
- ташқи кўринишидаги нуқсонлар (0,093);
- пишитишдаги ўзгарувчанлик коэффициенти (0,088);
- чизиқли зичлик (0,082);
- такрорий чўзилишда чидамлилиқ (0,080);
- чўзилишнинг ўзгарувчанлик коэффициенти (0,079).

Ушбу кўрсаткичлар тўплами ҳосил бўлган маҳсулот - ипнинг сифатини тўлиқ акс эттиради, чунки у ипнинг барқарор истеъмол хусусиятларини ва уни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ташкил қилишни назарда тутади.

Тўқимачилик маҳсулотлари сифатини баҳолашни ўрганишга қаратилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аралаш толалардан олинган тўқимачилик ипларининг сифатини баҳолаш учун уларнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда асосий сифат кўрсаткичлари номенклатурасини аниқлаш зарур; аралаш ипнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган комплекс кўрсаткичларни аниқлаш; аралашмадаги ҳар бир компонентнинг фоизли улушининг комплекс сифат кўрсаткичи қийматига таъсирининг боғлиқлигини аниқланади[10,11,12,13,14,15].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, хомашё ва ярим маҳсулотнинг сифатини аниқлаш билан боғлиқ масалалар, айниқса, пахта аралашмасига кимёвий тола сингиб кетиш фойзини ўзгартиришда, толаларнинг узунлиги бўйича тарқалиш табиати ва қонуниятларини ўзгартиришда тўлиқ аҳамият касб этади [1,2,3,4,5,6].

Аниқланишича, турли толалардан олинган ип сифатини баҳолаш учун технологик жараённинг хоссалари ва даражасини тавсифловчи аниқловчи кўрсаткичлар доирасини кенгайтириш, уларнинг аҳамиятини ойдинлаштириш, аралаш ип сифатининг комплекс кўрсаткичини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Севостьянов А.Г. Методы и средства исследования механико-технологических процессов. М., 1980.
2. Салимов Ш.Х., Худайбердиев М.Р. Пахта толасига кимёвий толаларни аралаштириб сифатли маҳсулот олиш - замон талаби// Минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион тадбиркорлик мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари Бухоро: 2022 й. 241-242 б.
3. Ochilov T.A., Nurboyev R.X., Safarova D.X., Xudayberdiyev M.R. Change in Quality Indicators of Threads Used in Sewing with Different Compositions// International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. Volume Issue 10, 2022. 8-14 p.(Advanced Science Index (28),CrossRef(35))
4. Нурбоев Р.Х.Очилов Т.А. Худайбердиев М.Р. Тола таркиби турлича бўлган тикувчилик ипларининг бир даврли чўзилиш деформациясининг ўзгариши//Экономика и социум международный научно-практический журнал №4(95) 2022. 1-5 б.(11.00.00; №11)
5. Очилов Т.А. Рахимов Х. Худайбердиев М.Р. Тола таркиби турлича бўлган ипларнинг нотекислик кўрсаткичларининг ўзгариши//Экономика и социум международный научно-практический журнал №4(95) 2022. 1-5 б.(11.00.00; №11)

6. Применение композиции рисового крахмала и поливинилацетата для повышения эффективности шлихтования хлопчатобумажной пряжи. Л.Б. Шокиров, С.Ф. Фозилов, Б.А. Мавлонов. *Universum: технические науки*, 81-83.
7. Модификацияланган крахмал асосида пахта ва зиғир калава ипларни сувда эрувчан оҳор билан оҳорлаш технологияси. Л.Б. Шокиров, И.С. Саломов. *GOLDEN BRAIN 1 (6)*, 83-86.
8. Экспериментальное исследование исполнительных кулачковых механизмов. Ф.Н. Баракаев, Л.Б. Шокиров. *Молодой ученый*, 53-56.
9. Спектральная зависимость фотопроводимости монокристаллического кремния от положения уровня ферми. Ж.И. Усманов, Л.Б. Шокиров. *The Way of Science*, 31.
10. Аналоговый и цифровой сигналы. А.У. Усманов, Л.Б. Шокиров, С.С. Сайфуллаев. *Молодой ученый*, 85-87.
11. Уникальная технология смешивания UNImix b 71/b 75. Л.Б. Шокиров, З.Б. Орипов. *Молодой ученый*, 101-103.
12. Модификацияланган крахмал асосида пахта ва зиғир калава ипларни сувда эрувчан оҳор билан оҳорлаш технологияси. Саломов Илҳом Саломов, Шокиров Лазиз Бахтиёрович. *GOLDEN BRAIN 3 (№ 6)*, 83-86.
13. Модификацияланган крахмалнинг елимланишига турли электролитларнинг таъсирини ўрганиш. Л.Б. Шокиров, Ҳ.К. Рахимов. *GOLDEN BRAIN 1 (7)*, 48-52.
14. Модификацияланган оқшоқ крахмали қовушқоқлигининг ўзгаришини, натрий метасиликат миқдорига боғлиқлигини ўрганиш. Л.Б. Шокиров, У.Ҳ. Ширинов. *GOLDEN BRAIN 1 (7)*, 53-57.
15. Синтетик полимерлар концентрациясининг калава иплар физик-механик хусусиятларига таъсири. Л.Б. Шокиров, Б.К. Хасанов. *GOLDEN BRAIN 1 (4)*, 4-9.